

**ХАВФЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТИДА АВАРИЯ СОДИР БЎЛГАН ТАҚДИРДА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ ҲАЁТИ,
СОҒЛИҒИ ВА (ЁКИ) МОЛ-МУЛКИГА ҲАМДА АТРОФ МУҲИТГА ЗАРАР ЕТКАЗГАНЛИГИ УЧУН ФУҚАРОЛИК
ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
0101/1303/1/2200024 - сонли ШАРТНОМАСИ**

Тошкент ш.

17 января 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 15 апрелдаги СФ 00241-сонли Суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Лицензияси асосида ўз фаолиятини амалга оширадиган, кейинги ўринларда «СУҒУРТАЛОВЧИ» деб номланувчи "APEX INSURANCE" МЧЖ номидан 30.12.2021й. 4-сонли Бош ишончнома асосида иш юритувчи Корпоратив суғурталаш департаменти Директори Эрматов К.Ш., бир томондан ва кейинги ўринларда «СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ» деб номланувчи, "Ўзтрансгаз" АЖ томонидан 2022 йил 5 январда берилган 01-32/17 Д-сонли ишончнома асосида иш олиб борувчи Ғаллаорол магистрал газ қувурлари бошқармаси бошлиғи в.б Б.С.Хидиров иккинчи томондан биргаликда «Томонлар», алоҳида «Томон» деб аталиб, қуйидаги шартлар асосида мазкур шартномани туздилар:

1 БЎЛИМ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Суғурта қилдирувчи мазкур Шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаши, шунингдек ундаги шартларни бажариш шarti билан, мазкур Шартномада назарда тутилган шартларга ва/ёки қўшимча келишилган шартларга, мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган истисно ва иловаларга мувофиқ Суғурталовчи қуйида назарда тутилган тартиб ва муддатларда суғурта ҳодисаси содир бўлиши оқибатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади, шунингдек Суғурта қилдирувчи, Суғурталовчига тақдим этилган Ариза-сўровномада маълумотлар ишончилигини ва ҳақиқатга тўғри келишини ва мазкур Шартномани тузишга асос бўлишини тасдиқлайди.

2 БЎЛИМ. АТАМАЛАР

Мазкур Шартномада ишлатиладиган атамалар қуйидаги тушунчаларга эга:

1.1. **Суғурта пули** - бу шундай суммаки, суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда етказилган зарарнинг ўрнини унинг доирасида бошқа шахсларга қоплаш мажбуриятини олади;

1.2. **Суғурта мукофоти** — суғурта қилдирувчи мажбурий суғурта қилиш шартномасига мувофиқ суғурталовчига тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

1.3. **Суғурта ҳодисаси** — хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлганда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказилганлиги учун суғурталанувчининг фуқаролик жавобгарлигининг бошланиши факти;

1.4. **Суғурта товони** — суғурта ҳодисаси содир бўлганда бошқа шахсларни уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига суғурта пули доирасида тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

1.5. **Авария** — иншоотлар ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланадиган техника қурилмаларининг бузилиши, суғурта шартномаси амал қиладиган даврда рўй берган назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавфли моддалар ажралиб чиқиши;

1.6. **Бошқа шахслар** - хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда ҳаётига, соғлиғига ва (ёки) мол-мулкига, атроф муҳитга зарар етказганлик учун даъво билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар (жисмоний шахс, юридик шахс ёки давлат) ҳисобланадилар;

1.7. **Ариза-сўровнома** – мазкур Шартноманинг 1-сонли Иловадаги шаклига мувофиқ мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, Суғурталовчининг талабига кўра Суғурта қилдирувчи томонидан юз бериши мумкин бўлган суғурта хавфини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисида тақдим этилган ёзма маълумоти;

1.8. **Суғурта полиси** – мазкур Шартноманинг 2-сонли Иловасидаги шаклига мувофиқ мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, суғурта мукофоти тўлангандан кейин Суғурта қилдирувчига бериладиган, Суғурталовчининг мазкур Шартнома шартларига асосан суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятининг кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

1.9. **Суғурта даври** – Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаши шarti билан, мазкур Шартноманинг амал қиладиган вақт даври. Суғурталовчи мазкур Шартнома ва суғурта полисида назарда тутилган Суғурта даврда ва Географик ҳудудда содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича жавобгарлик олиб боради;

1.10. **Суғурта ҳолати тўғрисидаги далолатнома** — суғурта ҳолати юз берган тақдирда суғурталовчи томонидан суғурталанувчи ёки унинг вакили иштирокида тузиладиган ҳужжат, у авария содир бўлган вақт, жой ва унинг сабаби тўғрисидаги ахборотлардан, бошқа шахсларга етказилган зарар миқдори, шунингдек зарарни камайтириш мақсадида суғурталанувчи томонидан қилинган харажатлар миқдори тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлади;

1.11. **Географик ҳудуд** – Ўзбекистон Республикаси.

3 БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

3.1. Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлганда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига

«APEX INSURANCE» МЧЖ

Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг намунавий шакли

хамда атроф муҳитга зарар етказилганлиги учун Суғурта қилдирувчининг фуқаролик жавобгарлигининг бошланиши факти суғурта ходисаси ҳисобланади.

4 БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар қопланмайди:

а) маънавий зарар;

б) Суғурта қилдирувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган шахсларга, улар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига биноан шартнома (контракт)га мувофиқ меҳнат мажбуриятларини бажараётганда етказилган зарар;

в) Суғурта қилдирувчи мулкий ҳуқуққа, ҳўжалик юритуви ҳуқуқига ёки тезкор бошқариш ҳуқуқига ёхуд бошқача қонуний асосда (ижара ҳуқуқида, сақлаш шартномаси бўйича, ишончнома бўйича, мулкни унга бериш тўғрисидаги тегишли органнинг фармойишига ва шу қабилаарга кўра) унга тегишли бўлган мол-мулкка етказилган зарар;

г) Суғуртала қилдирувчининг неустойка (жарима, пеня) тўлаш, унинг кафолатли ва шунга ўхшаш мажбуриятларни бажариши, шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги билан боғлиқ ҳолда кўрган зарарлари;

д) йўқотилган фойда.

4.2. Суғурталанувчининг қуйидагилар оқибатида пайдо бўлган фуқаролик жавобгарлиги суғурта ҳолати деб эътироф этилмайди:

а) ядровий портлаш, радиация, радиоактив зарарланиш, агар улар ушбу ишлаб чиқариш объектдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаса;

б) ҳарбий ҳаракатлар, шунингдек манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар, қуроли тузилмалар ёки террорчиларнинг ҳаракатлари;

в) оммавий тартибсизликлар, бошқа фуқаролар бўйсунмаслигининг жамоавий ҳолатлари, иш ташлашлар;

г) енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларининг таъсири: табиий офатлар, стихияли тусдаги табиат ҳодисалари;

д) хавfli ишлаб чиқариш объектдан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолатларнинг пайдо бўлиши;

4.3. Суғурталовчи мазкур Шартномада назарда тутилмаган ва қайд этилмаган ҳар қандай воқеаларга нисбатан жавобгарлик олиб бормайди. Суғурталовчи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳолларда суғурта товонини тўлаш мажбуриятидан озод бўлади.

4.4. Агар Суғурта қилдирувчи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилганлиги аниқланса, Суғурталовчи томонидан суғурта товони тўланмайди.

4.5. Агар Суғурта қилдирувчи зарар етказган шахсга нисбатан талабларни амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқлардан бош тортса ёки Суғурта қилдирувчининг айби билан бундай ҳуқуқни амалга ошириш мумкин бўлмаса, Суғурталовчи суғурта қопламасини тўламайди (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 957 моддаси).

5 БЎЛИМ. СУЎРТА ПУЛИ ВА СУЎРТА МУКОФОТИ

5.1. Суғурта шартномаси бўйича суғурта пули миқдори 67 500 000 000,00 (олтмиш етти миллиард беш юз миллион) сўмни ташкил этади.

5.2. Суғурта мукофоти бир йўла тўланганда қўшимча қиймат солиғисиз 10 125 000,00 (ун миллион бир юз йигирма беш минг) сўмни ташкил этади.

5.3. Пул маблағлари Суғурталовчи ҳисобрақамига келиб тушган кун суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

5.4. Суғурта мукофоти ариза-сўровнома тақдим этилган кундан бошлаб, 5 (беш) банк куни мобайнида тўланилиши шарт.

5.5. Суғурта товони тўлангандан кейин мазкур Шартнома суғурта пули ва суғурта товони ўртасидаги фарқ миқдорида амал қилади.

6 БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ/ТУГАТИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур Шартнома томонилан уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва Суғурта полисида кўрсатилган муддат мобайнида амал қилади.

6.2. Суғурталовчининг мазкур Шартномага кўра суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти ахдлашилган суғурта мукофоти ўз вақтида тўланиши шarti билан юзага келади. Суғурта мукофоти ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Суғурталовчининг мазкур Шартномага кўра суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти ахдлашилган суғурта мукофоти тўланган кундан юзага келади ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври тугагунга қадар амал қилади.

6.3. Мазкур Шартномага кўра шартлашилган суғурта Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ходисаларига нисбатан татбиқ этилади ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври мобайнида амал қилади.

6.4. Суғурта полиси суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида берилади.

6.5. Мазкур Шартнома ҳар қайси томоннинг ёзма аризасига кўра исталган вақтда, бекор қилиш кўзда тутилаётган саналдан 30 (ўттиз) кун олдин ушбу тўғрисида хабар бериш шarti билан бекор қилиниши/тугатилиши мумкин.

6.6. Мазкур Шартнома Суғурта қилдирувчининг талабига кўра бекор қилинганда суғурта мукофоти суғурта муддатининг қолган даври учун Суғурталовчининг 25 фоиз миқдоридаги сарф-харажатлари ва тўланган суғурта товонларини чегириб қолган ҳолда қайтарилади.

6.7. Мазкур Шартнома қуйидаги ҳолларда тугатилади:

а) мазкур Шартнома томонларининг келишувига кўра;

б) суғурта даври тугаганда;

в) Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчининг олдидаги барча мажбуриятлари тўлиқ ҳажмда бажарилганда;

г) суғурта ходисаси рўй бергунга қадар Суғурта қилдирувчи тугатилса;

«APEX INSURANCE» МЧЖ

Хавfli ишлаб чиқариш объектда авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг намунавий шакли

д) мазкур Шартнома ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

7 БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида:

7.1.1. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) суғурта ҳолатини текширишда қатнашиш;
- б) суғурта ҳолатларини текшириш натижалари бўйича қарор юзасидан шикоят қилиш;
- в) Суғурталовчидан хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида бепул ахборот олиш;
- г) хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш.

7.1.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

- а) суғурта шартномаси амалда бўлган даврда Суғурталовчига суғурта шартномасини тузишда, хабар қилинган ўзига маълум бўлган жиддий ўзгаришлар ва ҳолатлар тўғрисида, агар ушбу ўзгаришлар суғурта таваккалчилигининг ортишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, Суғурталовчига дарҳол хабар қилиш;
- б) Суғурталовчига хавфли ишлаб чиқариш объектида содир бўлган ҳар қандай авария тўғрисида, шунингдек бошқа шахслар томонидан Суғурта қилдирувчига ўзларининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга етказилган зарарни тўлаш тўғрисида даъво билдиришга олиб келиши мумкин бўлган авариянинг ҳар қандай оқибатлари тўғрисида, бошқа шахсларнинг зарарни тўлатиш тўғрисидаги барча эътирозлари ва даъволари ҳақида хабар қилиш, авариянинг ҳолати ва сабабларини тавсифловчи барча ҳужжатларни тақдим этиш;
- в) тегишли суд қарори олинган кундан бошлаб 3 иш кuni мобайнида Суғурталовчига суд қарори билан белгиланган хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлганда етказилган зарарни тўлаш мажбурияти тўғрисида хабар қилиш;
- г) авария содир бўлганда, бўлиши мумкин бўлган зарарларни камайтириш учун вужудга келган ҳолатларда оқилона ва қулай чоралар кўриш. Суғурта қилдирувчи бундай чораларни кўраётганда, агар улар суғурталовчига хабар қилинган бўлса, суғурталовчининг кўрсатмаларига амал қилиши керак;
- д) суғурталовчининг олдиндан розилигини олмасдан бошқа шахслар томонидан билдирилган талабларни бажариш бўйича бирон-бир мажбуриятларни ўз зиммасига олмаслик.

7.1.3. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) суғурта шартномасини тузишда суғурта таваккалчилиги даражасини аниқлаш мақсадида ўз ҳисобидан суғурта объектининг мустақил экспертизасини амалга ошириш;
- б) шартнома тузишда ва суғурта шартномаси амал қиладиган даврда суғурта таваккалчилигини баҳолаш;
- в) етказилган зарар миқдорини аниқлаш мақсадида қўшимча текширишлар ўтказиш;
- г) ваколатли органлардан зарар етказилганлиги сабабли авариянинг техник жиҳатдан текшириш материалларини, ахборот ва ҳужжатларни, тиббий хулосаларни, йўқотилган (шикастланган) мол-мулк қиймати, амалга оширилган ишлар қиймати тўғрисида фикрга эга бўлиш имконини берадиган счётларни, шунингдек бошқа зарур материалларни сўраш ва олиш;
- д) Суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ахборотларни текшириш, суғурта шартномаси талаблари ва шартларининг Суғурта қилдирувчи томонидан бажарилишини назорат қилиш;
- е) Суғурта қилдирувчидан саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилишини талаб қилиш.

7.1.4. Суғурталовчи мажбуриятлари:

- а) Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта ҳодисаси бошланиши таваккалчилигини камайтириш тадбирлари амалга оширилган тақдирда, суғурта ҳодисаси бошланиши таваккалчилигини камайтириш даражасини ҳисобга олган ҳолда Суғурта қилдирувчининг аризаси бўйича мазкур Шартнома шартларини қайта кўриб чиқиш;
- б) зарарларни камайтириш мақсадида Суғурта қилдирувчининг Суғурталовчи томонидан қопланиши керак бўлган харажатларини тўлаш, агар бундай харажатлар Суғурталовчининг кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган бўлса ёки амалга оширилган бўлса. Кўрсатиб ўтилган харажатларни тўлаш Суғурталовчи томонидан у тегишли харажатлар тўғрисидаги далолатномани олган санадан бошлаб бир ой мобайнида, бироқ суғурта тўлови (суғурта суммаси) тўлангандан кейин амалга оширилади. Бундай харажатлар, хатто агар тегишли чоралар муваффақиятсиз бўлганда ҳам ва мазкур Шартнома бўйича бошқа зарарларни тўлаш билан бирга улар Шартномада белгиланган суғурта суммасидан ортиқ (бирок 20 фоиздан ортиқ эмас) бўлганда ҳам тўланади;

в) Суғурта қилдирувчининг мулкий аҳволи, хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланишнинг ҳолати, шартлари ва хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда мазкур Шартномани тузиш билан боғлиқ равишда маълум бўлиб қолган бошқа махфий ахборотни ошкор қилмаслик, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

7.1.5. Бошқа шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари бўйича суғурта тўлови олиш;
- б) суғурта ҳодисасини текширишда қатнашиш;
- в) суғурта ҳодисаларини текшириш натижалари бўйича қарор юзасидан шикоят қилиш;
- г) суғурталовчидан хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида бепул ахборот олиш;
- д) хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш.

«APEX INSURANCE» МЧЖ

Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг намунавий шакли

7.1.6. Бошқа шахслар куйидагиларга мажбур:

а) махсус органлар томонидан берилган хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария оқибатида зарар кўрилганлиги ва унинг миқдорини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни тақдим этиш;

б) суғурталовчига унинг (суғурталовчининг) томонидан бошланган суғурта ҳодисасини мустақил экспертизадан ўтказишда кўмаклашиш.

7.2. Суғурта қилдирувчи, Суғурталовчи ва бошқа шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва бошқа мажбуриятлар олиши ҳам мумкин.

8 БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

8.1. Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда Суғурта қилдирувчи Суғурталовчини авария содир бўлиши натижасида:

а) бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига;

б) бошқа шахсларнинг мол-мулкига ва атроф муҳитга зарар етказилганда, хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария содир бўлган вақтдан бошлаб 3 (уч) иш куни мобайнида бу тўғрида ёзма равишда хабардор қилади.

8.2. Суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш миқдори Суғурталовчи томонидан авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш далолатномаси, суд қарорлари ва суғурта ҳодисаси бошланишининг сабаблари ва ҳолатлари, шу жумладан бошқа шахсларга етказилган зарар миқдори кўрсатилган бошқа материаллар асосида белгиланади.

8.3. Суғурталовчининг вакиллари тавсилотлар, тавсифлар ва зарарнинг миқдорини аниқлаш учун авария жойига эркин кириб-чиқиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

8.4. Суғурталовчининг ёзма рухсатисиз Суғурта қилдирувчи ва унинг номидан ҳеч ким содир бўлган воқеа бўйича мажбуриятларни қабул қилиш, тўловларни амалга ошириш ёки жавобгарликни қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

8.5. Мазкур воқеага тааллуқли барча тавсилотлар ўрганиб чиқилгангидан кейин Суғурталовчи томонидан содир бўлган воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида қарор қабул қилинади.

8.6. Суғурталовчининг суғурта товонини рад этиш ёки тўлаш ҳақидаги қарори Суғурта қилдирувчига суғурта товони тўлови ҳақидаги ёзма мурожаат этилгандан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этилган тақдирда рад этишнинг далилли сабаблари билан асослантирилган бўлиши шарт.

9 БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОННИ (СУҒУРТА ПУЛИНИ) ТЎЛАШ.

9.1. Суғурта товони (суғурта пули) тўлови суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тузилган томонлар имзолаган Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома асосида амалга оширилади.

9.2. Суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш суғурта шартномасида кўрсатилган белгиланган суғурта пули доирасида амалга оширилади.

Агар мазкур Шартнома бўйича уларга нисбатан турлича суғурта пули белгиланган бир неча хавфли ишлаб чиқариш объектлари суғурта қилинган бўлса, у ҳолда муайян суғурта ҳодисаси бўйича суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш авария содир бўлган хавфли ишлаб чиқариш объекти бўйича белгиланган суғурта пули доирасида амалга оширилади.

9.3. Суғурта товони (суғурта пули) бевосита зарар кўрганга тўланади. Суғурта товони тўлови томонлар суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида амалга оширилади.

Мазкур Шартноманинг 7.1.4-банди «б» кичик бандида назарда тутилган харажатлар Суғурта қилдирувчига тўланади.

9.4. Етказилган зарар шунингдек бошқа шахслар томонидан қопланадиган ҳолларда Суғурталовчи фақат мазкур Шартнома бўйича тўланиши керак бўлган суғурта товони (суғурта пули) ва бошқа шахслар томонидан қопланадиган пул ўртасидаги тафовутни тўлайди. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчини зарарни жабрланганга қоплаш учун бошқа шахслар томонидан амалга оширилган — ўзига маълум бўлган тўловлар тўғрисида хабардор қилиши шарт.

9.5. Суғурта қилдирувчи суд қарорини ижро этиш асосида унга нисбатан мазкур Шартнома тузилган хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланиш натижасида етказилган зарарни қоплаган тақдирда Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига суғурта товони (суғурта пули)ни тўлашни у амалга оширган зарар товони доирасида, лекин мазкур Шартнома бўйича белгиланган суғурта суммасидан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширади.

9.6. Суғурта ҳодисасини содир бўлганлигини ва зарар миқдорини асослантиришни исботлаш Суғурта қилдирувчининг зиммасига юклатилади.

9.7. Айнан бир сабаб таъсирида содир бўлган қатор кетма-кет (ёки бир вақтнинг ўзида) авария натижасида етказилган зарар, мазкур Шартнома доирасида битта суғурта ҳодисаси деб кўрилади.

10 БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ (РЕГРЕСС)

10.1. Суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига Суғурта қилдирувчининг суғурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан тўланган сумма доирасида регресс тартибида талаб қилишга бўлган ҳуқуқи ўтади. Агар суғурта ҳодисаси Суғурта қилдирувчининг қасддан қилинмаган ҳатти-ҳаракатлари натижасида содир бўлса, Мазкур Шартнома бўйича суброгация ҳуқуқи Суғурта қилдирувчи ишчилирига нисбатан тадбиқ этилмайди.

10.2. Суғурта қилдирувчи суғурта товонини олишда Суғурталовчига унинг суғурта ҳодисаси юзага келишида айбдор бўлган шахсга нисбатан қайта талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун барча зарур ҳужжатларни бериши шарт.

10.3. Агар Суғурта қилдирувчи суғурталовчи томонидан ундирилган зарар юзасидан жавобгар бўлган шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки ушбу ҳуқуқни амалга ошириш Суғурта қилдирувчининг айбига кўра мумкин бўлмай қолса Суғурталовчи Суғурта қилдирувчидан суғурта товонининг тўланган суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

11 БЎЛИМ. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Зиммаларига олинган ўз мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

«APEX INSURANCE» МЧЖ

Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг намунавий шакли

11.2. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликлари енгиб бўлмас куч (форс-мажор) келтириб чиқарган бўлса, жавобгарликдан озод бўладилар. Енгиб бўлмас куч таъсирида бўлган томон бошқа томонни унинг юзага келганлиги ва кўрсатилган ҳолат қанча давом этиши мумкинлиги хақида хадардор қилиши шарт.

12 БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

12.1. Мазкур Шартноманинг шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 271-сон қарори билан тасдиқланган “Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби тўғрисида Низомга асосан ишлаб чиқилган.

12.2. Мазкур Шартномага қуйидагилар илова қилинади ва ажралмас қисми ҳисобланади:

1-сонли Илова. Ариза-сўровнома.

2-сонли Илова. Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш полиси.

12.2. Томонлар, мазкур Шартнома, Иловалар ва мазкур Шартнома билана боғлиқ бошқа ҳужжатларнинг мазмуни тўғрисида томонлардан бирининг олдиндан берган ёзма розилигиз ҳар қандай учинчи шахсга ошкор этмаслиги бўйича жавобгарлик олиб борадилар.

12.3. Мазкур Шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади, агар келишувга эришилмаса, суд тартибида ҳал қилинади.

12.4. Мазкур Шартнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчида битта нусхадан сақланади ва уларнинг ҳар бири бир хил юридик кучга эга.

13. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

СУГУРТАЛОВЧИ:	СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ:
<p>“APEX INSURANCE” МЧЖ Манзил: Тошкент ш., Мирзо-Улугбек т-ни, Буюк Ипак йули кўчаси, 154А Тел.: (99871) 203 08 08 Х/Р: 2020 8000 0009 0678 5029 Банк коди 01041 СТИР 305 684 696 КТУФ 96220</p> <p>Суғурталовчи номидан Корпоратив суғурталаш департаменти Директори Эрматов К.Ш.</p>	<p>“Ўзтрансгаз” АЖ Ғаллаорол магистрал газ қувурлари бошқармаси Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, маҳалла Газчилар қўрғони. Х/р 2021 0000 7001 1783 6127 АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Жиззах минтакавий филиали МФО 001152, ИНН 200626188</p> <p>Суғурта қилдирувчи номидан: Бошқарма бошлиғи Хидиров Б.С.</p>
<p>ИМЗО _____ М.Ў.</p> 	<p>ИМЗО _____ М.Ў.</p> 

ҲУҚУҚШУНОС ХУЛОСАСИ:
Шартнома Лойиҳаси Ўзб.Р.нинг
Фуқаролик кодекси.
«Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг
шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги
Қонунни ва бошқа қонунларига мувофиқ тузилган.
Ҳуқуқшунос _____ Ражабов Б.А.

2022 йил 17 январдаги 0101/1303/1/2200024-сонли
Хавfli ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда
бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда
атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш шартномасига
1-сонли ИЛОВА

**Хавfli ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлиги учун фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш
АРИЗА-СЎРОВНОМА**

Суғурта қилдирувчи номи: "Ўзтрансгаз" АЖ Ғаллаорол магистрал газ қувурлари бошқармаси

т/р	Объектнинг тўлиқ номи	Объект тури	Ҳар бир объект бўйича суғурта пули (сўмда)
1.	«Ғаллаорол УМГ газ узатиш тизимининг булими» Жиззах вилояти	Биринчи тип - 250 000 (икки юз эллик) базавий ҳисоблаш миқдори	67 500 000 000,00 (олтмиш етти миллиард беш юз миллион) сум
...	ЖАМИ		

Декларация: Ушбу билан Ариза-сўровномада кўрсатилган маълумотлар тўлиқ, ҳақиқий ва тўғрилигини ва улар суғурта шартномасининг асоси ва ажралмас қисми бўлишини тасдиқлаймиз.



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 931 моддасига мувофиқ, суғурта шартномаси тузилаётганда била туриб ёлгон маълумот берилиши суғурта товонини тўланилиши рад этилишига асос бўлиб ҳисобланиши мумкинлиги тўғрисида хабардор этилганмиз.

Суғурта полиси муддатидан аввал бекор қилинганда, суғурта мукофоти (шу жумладан қисман) қайтарилмаслиги бизга маълум қилинган.

Биз, шартномаолди экспертизаси босқичида Суғурталовчига суғурта хавфини ўлчамини аниқлаш учун зарур бўлган ахборотни тўплаш ҳуқуқини тақдим этишга розилик билдирамиз. Суғурталовчи мазкур Ариза-сўровномани рад этиш ҳуқуқига эга.

Илова қилинадиган ҳужжатлар:

1. Хавfli объект индентификацияси бўйича хулоса / Хавfli объектни ҳисобга олиш жамланма варағи;
2. Хавfli объектларнинг давлат реестрида рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси.

Суғурта қилдирувчи номидан:	Бошқарма бошлиғи Хидиров Б.С. Ф.И.Ш. (мансаби)	 Имзо / м. ў.	17 Января 2022й. Сана
Суғурталовчи номидан:	Корпоратив суғурталаш департаменти Директори Эрматов К.Ш. Ф.И.О. (мансаби)	 Имзо / м. ў.	17 Января 2022й Сана



«APEX INSURANCE» МЧЖ

Хавfli ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг намунавий шакли